

ISSN: 2181-1040  
DOI: 10.26739/2181-1040  
tadqiqot.uz/renaissance



# JCAR

**JOURNAL OF CENTRAL  
ASIAN RENAISSANCE**



**VOLUME 5 | 2024**  
**ISSUE 1**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

ЖИЛД 5, СОН 1

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ  
ТОМ 5, НОМЕР 1

JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE  
VOLUME 5, ISSUE 1



# МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕСАНСИ ЖУРНАЛИ

№1 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-1040-2024-1>

## Бош муҳаррир:

### МАДАЕВА ШАҲНОЗА ОМОНУЛЛАЕВНА

фалсафа фанлари доктори, профессор  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

## Бош муҳаррир ўринбосари:

### ЮСУПОВА ДИЛДОРА ДИЛШАТОВНА

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

## Бош муҳаррир ўринбосари:

### ХОЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕСАНСИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ

### МАДЖИДОВ ИНОМ УРУШЕВИЧ

Ўзбекистон Миллий университети ректори,  
профессор (Ўзбекистон)

### ҲАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ

Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, санъатшунослик фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

### МАРИАННА КАМП РУТЦ

Индиана университети ЕвроОсиё тадқиқотлари маркази профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

### ЖЎРАЕВ НАРЗУЛЛА ҚОСИМОВИЧ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети профессори, сиёсий фанлар доктори (Ўзбекистон)

### МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги “Фалсафа” илмий марказ раҳбари, фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

### ИСЛОМОВ ЗОҲИДЖОН МАҲМУДОВИЧ

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси илмий ва инновация ишлари бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

### КЛЭР РООСИЕН

Йел университети Славян тиллари ва адабиётлари кафедраси PhD доктори (АҚШ)

### АНТонио АЛОНСО МАРКОС

Сан Пабло номидаги СЕУ университети профессори (Испания)

### ШИРИНОВА РАИМА ҲАКИМОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети халқаро ишлар бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

### КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ

Хофстра университети профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

### ГАБИТОВ ТУРСУН ҲАФИЗОВИЧ

Ал Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университети профессори, фалсафа фанлари доктори (Қозоғистон)

### ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХЎЖАМҚУЛОВНА

Андижон давлат университети “Фалсафа” кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор. (Ўзбекистон)

### МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

Наманган муҳандислик-технология институти профессори, фалсафа фанлари доктори (Ўзбекистон)

### САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА

Навоий давлат педагогика институти фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

### ИНАКОВ КОМИЛЖОН ҚОДИРЖОНОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

### ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

### ДЖЎРАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доц.в.б., фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

### МИРЗАХМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ

Наманган давлат университети в.б. доценти, социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

### ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

### РЎЗИБОВЕВ ДОСТОНБЕК ДИЛМУРОД ЎҒЛИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети PhD докторанти (Ўзбекистон)

Дизайн-саҳифаловчи: @tadqiqotdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. [WWW.TADQIQOT.UZ](http://WWW.TADQIQOT.UZ)

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF [WWW.TADQIQOT.UZ](http://WWW.TADQIQOT.UZ)

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## Главный редактор:

**МАДАЕВА ШАХНОЗА АМАНУЛЛАЕВНА**

доктор философских наук, профессор

Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

## Заместитель главного редактора:

**ЮСУПОВА ДИЛЬДОРА ДИЛЬШАТОВНА**

доктор философии (PhD), по философским наукам, доцент  
Университета Общественной безопасности Республики Узбекистан

## Заместитель главного редактора:

**ХОДЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ**

доктор философских наук (PhD), Национальный  
университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

## ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКОГО И СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКОГО ЖУРНАЛА РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

**МАДЖИДОВ ИНОМ УРУШЕВИЧ**

Ректор Национального университета Узбекистана,  
профессор (Узбекистан)

**ХАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ**

Академия наук Узбекистана,  
академик Академии художеств Узбекистана,  
доктор искусствоведения, профессор (Узбекистан)

**МАРИАННА КАМП РУТЦ**

профессор Центра Евроазиатских исследований  
Университета Индианы, доктор исторических наук (США)

**ДЖУРАЕВ НАРЗУЛЛА КАСИМОВИЧ**

профессор Узбекского государственного университета  
мировых языков, доктор политических наук (Узбекистан)

**МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА**

руководитель Научного центра «Философия» при  
Национальном Университете Узбекистана имени Мирзо  
Улугбека, доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

**ИСЛОМОВ ЗОХИДЖОН МАХМУДОВИЧ**

проректор по научным исследованиям и инновациям  
Международной исламской академии Узбекистана,  
доктор филологических наук, профессор (Узбекистан)

**КЛЭР РООСИЕН**

PhD доктор кафедры  
Славянских языков и литературы  
Йельского университета (США)

**АНТонио АЛОНСО МАРКОС**

профессор Университета  
CEU имени Сан Пабло (Испания)

**ШИРИНОВА РАИМА ХАКИМОВНА**

проректор по международным связям  
Национального Университета Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека, доктор филологических наук,  
профессор (Узбекистан)

**КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ**

профессор Университета Хофстра,  
доктор исторических наук (США)

**ГАБИТОВ ТУРСУН ХАФИЗОВИЧ**

профессор кафедры религиоведения и культурологии  
Казахского Национального Университета имени Аль-Фараби,  
доктор философских наук (Казахстан)

**ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХОДЖАМКУЛОВНА**

заведующая кафедрой «Философия» Андижанского  
государственного университета, кандидат  
философских наук, профессор. (Узбекистан)

**МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ**

профессор Наманганского инженерно-технологического  
института, доктор философских наук (Узбекистан)

**САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА**

Навоийского государственного педагогического института,  
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

**ИНАКОВ КАМИЛЖОН КАДЫРЖАНОВИЧ**

доцент Национального Университета Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека, доктор философии (PhD)  
по педагогическим наукам (Узбекистан)

**ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ**

доцент Национального Университета Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека, доктор философии  
по философским наукам (PhD) (Узбекистан)

**ДЖУРАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА**

и.о. доцент Национального Университета Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека, доктор философии  
по философским наукам (PhD) (Узбекистан)

**МИРЗАХМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ**

и.о. доцент Наманганского государственного университета,  
доктора философии (PhD) по социологическим наукам  
(Узбекистан)

**ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ**

Национального Университета Узбекистана имени Мирзо  
Улугбека, доктор философии по философским наукам (PhD)  
(Узбекистан)

**РЎЗИБОВЕВ ДОСТОНБЕК ДИЛМУРОД ЎҒЛИ**

докторант кафедры Философии и логики Национального  
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека (Узбекистан)

Дизайн-верстка: @tadqiqotdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. [WWW.TADQIQOT.UZ](http://WWW.TADQIQOT.UZ)

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF [WWW.TADQIQOT.UZ](http://WWW.TADQIQOT.UZ)

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## Chief Editor:

### **MADAEVA SHAKHNOZA AMANULLAEVNA**

Doctor of Philosophical Sciences (DSc), Professor  
The National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

## Deputy Chief Editor:

### **YUSUPOVA DILDORA DILSHATOVNA**

Doctor of Philosophy (PhD), in Philosophical Sciences,  
Associate Professor of the University of Public Security  
of the Republic of Uzbekistan

## Deputy Chief Editor:

### **KHODZHIEV TUNIS NURKOSIMOVICH**

Doctor of Philosophy (PhD), National University  
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

## MEMBERS OF THE EDITORIAL BOARD OF THE SCIENTIFIC-THEORETICAL AND SOCIO-PHILOSOPHICAL JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

### **MADJIDOV INOM URUSHEVICH**

Rector NUUZ, Professor (Uzbekistan)

### **KHAKIMOV AKBAR ABDULLAEVICH**

Academy of Sciences of Uzbekistan,  
Academician of the Academy of  
Arts of Uzbekistan, Doctor of  
Art History, Professor (Uzbekistan)

### **MARIANNE KAMP RUTZ**

Professor of the Center for Eurasian Studies  
at Indiana University, Doctor of History (USA)

### **DZHURAEV NARZULLA KASIMOVICH**

Professor of the Uzbekistan State  
University of World Languages,  
Doctor of Political Sciences (Uzbekistan)

### **MAKHMUDOVA GULI TILABOVNA**

Head of the Scientific Center "Philosophy"  
at the National University of Uzbekistan  
named after Mirzo Ulugbek, Doctor of  
Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)

### **ISLAMOV ZOHIDJON MAKHMUDOVICH**

Vice-Rector for Research and Innovation of the  
International Islamic Academy of Uzbekistan,  
Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)

### **CLAIRE ROOSIEN**

Department of Slavic Languages and Literature  
of the Yale University, PhD (USA)

### **ANTONIO ALONSO MARCOS**

Professor of the University of CEU  
named after San Pablo (Spain)

### **SHIRINOVA RAIMA KHAKIMOVNA**

Vice-Rector for International Affairs of the National  
University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,  
Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)

### **KARIMOV ELYOR ERIKOVICH**

Professor of the Hofstra University,  
Doctor of Historical Sciences (USA)

### **GABITOV TURSUN KHAFIZOVICH**

Professor of the Al-Farabi Kazakh National University,  
Doctor of Philosophical Sciences (Kazakhstan)

### **YULDASHEVA FARIDA KHOJAMKULOVNA**

the head of the "Philosophy" department of Andijan  
State University, DSc, professor. (Uzbekistan)

### **MIRZAKHMEDOV ABDIRASHID MAMASIDIKOVICH**

Professor of the Namangan Institute of Engineering  
and Technology, Doctor of Philosophical Sciences (Uzbekistan)

### **SAFAROVA NIGORA OLIMOVNA**

the Nava'i State Pedagogical Institute, Doctor  
of Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)

### **INAKOV KOMILJON KODIRJONOVICH**

Associate Professor of the National University  
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,  
Doctor of Philosophy (PhD) (Uzbekistan)

### **TOSHOV KHURSHID ILKHOMOVICH**

Associate Professor of the National University  
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,  
Doctor of Philosophy (PhD) (Uzbekistan)

### **JURAEVA NIGORA AVAZOVNA**

Associate Professor of the National University  
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, (PhD) (Uzbekistan)

### **MIRZAKHMEDOV KHURSHID ABDIRASHIDOVICH**

Acting Associate Professor of  
Namangan State University, Doctor of Philosophy  
(PhD) on Sociological Sciences (Uzbekistan)

### **SHUKUROV AKMAL SHAROFVICH**

The National University of Uzbekistan named  
after Mirzo Ulugbek, PhD (Uzbekistan)

### **RO'ZIBOEV DOSTONBEK DILMUROD O'G'LI**

doctoral student of the National University of Uzbekistan  
named after Mirzo Ulugbek, (Uzbekistan)

Design-pagemaker: @devdasdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. [WWW.TADQIQOT.UZ](http://WWW.TADQIQOT.UZ)

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF [WWW.TADQIQOT.UZ](http://WWW.TADQIQOT.UZ)

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.


Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

<b>1. Мадаева Шахноза Омонуллаевна</b> ИСТИБДОД АСРИНИНГ МАДАНИЙ КАПИТАЛИ ЁКИ САҚЛАНИБ ҚОЛИНГАН МИЛЛАТ ФЕНОМЕНИ (Профессор Ҳамидулла Акбаров асарлари асосидаги таҳлил).....	7
<b>2. Файзиходжаева Дилбар Иргашевна</b> ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИДА МАНТИҚ ИЛМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	13
<b>3. Отаматов Музаффар Абдурашидович</b> ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОНДАГИ ДИНИЙ КОНФЕССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ.....	19
<b>4. Kandov Bahodir Mirzayevich, Alimukhamedova Nodira Yadgarovna</b> THE INTEGRATION OF THE RENEWING UZBEKISTAN INTO THE WORLD COMMUNITY AND GLOBAL ENVIRONMENTAL PROBLEMS.....	28
<b>5. Djurayev Avaz Akhmedjanovich</b> SOCIAL AND PHILOSOPHICAL PROBLEMS OF DIGITALIZATION PROCESSES IN UZBEKISTAN.....	36
<b>6. Саитмуродов Жобиржон Боймурод ўғли</b> ГЕГЕЛЬНИНГ ТАРИХ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МОҲИЯТИ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	43
<b>7. Маматқулов Санжар Тошпўлатович</b> ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ФАЛСАФАНИНГ ЎҚИТИЛИШИ: ТАРИХИЙ ДИСКУРС.....	51
<b>8. Djurayeva Nigora Avazovna</b> SYSTEM ANALYSIS OF PHILOSOPHICAL CATEGORIES “CIVILIZATION”, “CULTURE” IN THE CONTEXT OF THE PARADIGM OF SOCIAL EXISTENCE.....	59
<b>9. Тошов Хуршид Илхомович</b> ОНГНИ МАНИПУЛЯЦИЯЛАШ ШАКЛЛАРИНИНГ ЦИВИЛИЗАЦИОН ДАВРЛАРДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	67
<b>10. Шамсутдинова Нигина Каримовна</b> СУФИЙСКАЯ СУЩНОСТЬ ПОНЯТИЯ “ДУША” В ВОЗЗРЕНИЯХ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ.....	77
<b>11. Zhang Lei</b> SYSTEMATIC PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE MECHANISM OF THE "BELT AND ROAD" PROPOSED BY CHINA.....	83
<b>12. Рўзибоев Достонбек Дилмурод ўғли</b> ЭДВАРД САИД ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА “ОРИЕНТАЛИЗМ” АСАРИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ.....	90
<b>13. Гулямов Хуршид Жамшетович</b> РАЗРАБОТКА ТРЕБОВАНИЙ К НАУЧНО-ПОНЯТИЙНОМУ АППАРАТУ «КАНОНА МЕДИЦИНСКОЙ НАУКИ».....	102
<b>14. Норбоев Жавлон Акбарали ўғли</b> МУҲИДДИН ИБН АЛ-АРАБИЙНИ ШАРҚ МУСУЛМОН ОЛАМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИНГ ФАЛСАФАСИНИ ЕВРОПАГА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	110

ISSN: 2181-1040

www.tadqiqot.uz

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ****ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ  
JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE****Файзиходжаева Дилбар Иргашевна**Фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети  
“Фалсафа ва мантиқ” кафедрасининг доценти**ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИДА МАНТИҚ ИЛМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ  
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ** <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.12170454>**АННОТАЦИЯ**

Француз файласуфи Александр Койренинг "Фалсафий фикр тарихи хақида лавҳалар" асарида фалсафанинг ривожланиши, шу жумладан мантиқ илми XIII асрдан бошлаб Ислом дунёсида тўхтаб қолган деб тахмин қилинади. Унинг ёзишича, араб – мусулмон цивилизациясининг гуллаб-яшнаши узок давом этмаган; Араб дунёси лотин ғарбида тўпланган классик меросни йўқотган ёки рад этган. Бу ҳақиқатан ҳам шундайми? Агар шундай бўлса, бунинг сабаблари нимада? Ушбу саволлар мақоламизнинг мавзусини белгилаб берди. Биз Шарқ уйғониш даврида мантиқ илмининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш орқали юқорида қўйилган саволга жавоб изладик. Бунинг учун араб мантиғи тарихини ўрганган баъзи муаллифларнинг асарларини таҳлил қилиб, тадқиқотимиз натижаларини ушбу мақолада баён қилдик.

**Калит сўзлар:** Шарқ уйғониш даври, шарқ перипатетиклари, мантиқ, Аристотел, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Ал Абхарий, предикабилиялар.

**Файзиходжаева Дилбар Иргашевна**Доктор философских наук, Национальный университет Узбекистана  
Доцент кафедры “Философия и логика”**ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ НАУКИ ЛОГИКИ В ЭПОХУ ВОСТОЧНОГО  
ВОЗРОЖДЕНИЯ****АННОТАЦИЯ**

В работе французского философа Александра Койре «Очерки истории философской мысли» высказывается предположение, что развитие философии, в том числе науки логики, остановилась в исламском мире с XIII века. Он писал, что процветание арабо-мусулманской цивилизации длилось недолго, арабский мир утратил или, скорее, отказался от классического наследия, накопленного латинским западом. Действительно ли это так? Если да, то каковы причины? Эти вопросы определили тему нашей статьи. Мы искали ответ на поставленный выше вопрос, анализируя тенденции развития науки логики в эпоху Восточного Возрождения. Для этого мы проанализировали работы некоторых авторов, изучавших историю арабской логики, и изложили результаты наших исследований в этой статье.

**Ключевые слова:** Восточный ренессанс, восточные перипатетики, логика, Аристотель, Абу Наср Фараби, Абу Али Ибн Сина, Аль Абхарий, предикабилии.

**Faizikhodjaeva Dilbar Irgashevna**

Doctor of Philosophy (DSc), National University of Uzbekistan

Associate Professor, Department of Philosophy and Logic

**TENDENCIES OF DEVELOPMENT OF SCIENCE OF LOGIC IN THE EPOCH OF EASTERN REVIVAL****ANNOTATION**

The French philosopher Alexandre Coyret's "Essays on the History of Philosophical Thought" suggested that the development of philosophy, including the science of logic, stopped in the Islamic world from the 13th century. He wrote that the prosperity of Arab-Islamic civilization did not last long, the Arab world lost or rather abandoned the classical heritage accumulated by the Latin West. Is this really the case? If so, what are the reasons? These questions determined the theme of our article. We sought an answer to the question posed above by analyzing the trends in the development of the science of logic during the Eastern Renaissance. For this purpose, we have analyzed the works of some authors who studied the history of Arabic logic, and have presented the results of our research in this article.

**Key words:** Eastern Renaissance, Eastern Peripatetics, logic, Aristotle, Abu Nasr Farabi, Abu Ali Ibn Sina, Al- Abharii, predicabiliya.

**Кириш ва мавзунинг долзарблиги.** Ўрта асрлар Шарқ халқлари маданий-маънавий тараққиётининг энг юксак ривожланган даври бўлди. VI-VIII асрларга келиб Яқин ва Ўрта Шарқда, Араб халифалиги ҳудудида тарихда «мусулмон маданияти» номи билан маълум бўлган янги маданият шаклланди. Бу маданиятнинг шаклланишига Марказий Осиё халқлари, унинг истеъдодли илм-фан вакиллари муҳим ҳисса қўшдилар.

Ислом диний ақидалари ва феодал тартиб қоидалар ҳукмрон бўлган илк ўрта асрларда вужудга келган Уйғониш даври инсоният маънавий маданияти тарихида муҳим роль ўйнади. Антик юнон фалсафий меросининг Яқин ва Ўрта Шарқдаги турли ғоявий-фалсафий оқимларни шаклланиши ва ривожланишига кўрсатган сезиларли таъсири, айниқса ислом мутафаккирларининг фалсафий ва мантикий таълимотларида яққол намоён бўлди.

Илмий фалсафий тафаккурнинг ривожланишида таржима асарларининг аҳамияти бекиёсдир. IX-XI асрларда Яқин ва Ўрта Шарқдаги илмий фалсафий фикрнинг ривожланиши, Уйғониш даврининг асоси ҳам айнан шундай таржима асарларининг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган. Ф.Роузенталнинг таъкидлашича, «таржимонларнинг фаолияти натижасида IX асрга келиб грек мантиқи бутун мусулмон эпистемологияси (билиш назарияси)нинг асоси бўлиб қолди... Мантиқни улар «хунар» ёки «санъат» деб ва кўпроқ «илм» деб аташган. Мантиқ илм сифатида маълум билимларни яратган. У бошқа билимларни асослаш ва таснифлаш системасини берган. У «ҳақиқат»ни билиш йўллари ҳақидаги тарихчиларнинг ва муҳаддисларнинг баҳсларига таъсир кўрсатган.»[11.194.] Шу боис, ислом мантиғининг ривожланиш даврини IX асрдан бошлаб даврларга бўлиш мумкин.

Николас Решар араб мантиғининг ривожланишини куйидагича даврлаштиради: биринчи давр 800 йилдан 900 йилгача давом этган. Бу даврда грек мантиғи қадимги сириялик христианлар орқали арабларга трансмиссия қилинган [3.15.]. Иккинчи давр 900-1000 йиллар ўртасида бўлиб, араб мантиғининг гуллаб яшнаган даври ҳисобланади [3.33.]. Бу даврдаги мантиқшунос олимларнинг катта қисми Бағдодда ижод қилган. Уларни Бағдод мактабининг вакиллари ал-мантиқийун деб аташган. Н.Решарнинг таъкидлашича, Абу Бишр Матта, ал Фаробий. Яхъя ибн Ади бу мактабни бирин- кетин бошқаришган. Бағдод мактаби вакиллари томонидан Аристотел мантиқий асарларига шарҳлар ёзилган[3.36.]. Учинчи давр X асрдан бошланади. X асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мантиқ мусулмон оламининг Бағдоддан бошқа ҳудудларида ҳам ўрганилади. Бу даврда мантиқ тўлиқ исломлаштирилади. Решар 1000-1100 йилларни Ибн Сино даври деб, номлайди. Араб мантиғининг тўртинчи асрини (1100-1200 йиллар) Аверроэс (Ибн Рушд) даври деб, атайди. Албатта, Решарнинг ислом мантиғи

ривожини даврийлаштирилишини мукамал деб бўлмайди, лекин ушбу жараён ҳақида етарли билимларни беради.

3. Латфаллахнинг “Араб мусулмон фалсафаси ва “теологиясида” мантиқ ғояларининг ривожланиши” га оид тадқиқотида ҳам мантиқ илмининг ривожланиш босқичлари тўрт даврга бўлинади [8.3.]

Н. Решарнинг “Араб мантиғининг ривожини” асарида 166 мантиқшунос олимнинг биографияси ва мантиққа оид асарлари ҳақида маълумот бор. Бу рўйхат Тимотеус (728-823) дан бошланади ва Ал-Ақхдари (тахм. 1514-1546) билан якунланади. Айтиш мумкинки, Н. Решар IX-XII асрлар Шарқ Уйғониш даврида ижод этган мантиқшунос олимлар ҳақида маълумот беради ва шу даврдаги мантиқ илмининг ривожини таҳлил қилади. Унинг рўйхатидаги мантиқшунос олимларнинг ярмидан кўпи эса XIII-XVI асрларда яшаб ижод этган [3.196-197].

Сўнгги йилларда араб мантиғининг XII асрдан кейинги даврига оид илмий қарашларда туб ўзгаришлар юз берди. XX асрнинг ўрталарида ҳам тадқиқотчилар фалсафа ва мантиққа оид араб тилида ёзилган манбаларнинг қимматини рад этишга мойил эдилар. Улар XIII асрдан кейинги фалсафа ва мантиқ бўйича ёзилган асарлар қатъий тартибда, янгиликларсиз ёзилган маълумотнома, шарҳ ва глоссардангина иборат деган янглиш фикрга асосланишган. Эндиликда бу фикр инкор қилиниши натижасида, ислом фалсафаси ва мантиқи бўйича илгари эътиборсиз қолдирилган асарлар ҳозирда ўрганилмоқда ва таҳрирланмоқда. Халед эл Руайхеб (Khaled El-Rouayheb) нинг 1200 дан 1800 йилгача бўлган араб мантиғининг ривожланишига доир илмий тадқиқотида ислом минтақасида мантиқнинг ривожланиши ушбу даврнинг асосий мавзулари, шахслари ва уларнинг асарларини аниқлаш, ислом дунёсидаги минтақавий фарқларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган [1.]. Бу асар Александр Койренинги мантиқ илмининг ривожини XIII асрдан бошлаб Ислом дунёсида тўхтаб қолган, деган тахминининг асоссиз эканлигини [9.54.] ва Ислом мантиғининг ривожланиши билан боғлиқ кўплаб тадқиқотларнинг зарурлигини тасдиқлайди. Республикамиздаги мантиққа оид кўплаб кўлёмаларнинг мавжудлиги ва уларни тадқиқ этилиши билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал қилиниши ҳам ислом мантиғи ривожланиш тенденцияларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқот методи.** Александр Койренинги Араб дунёси Лотин Ғарбида тўпланган классик меросни йўқотган ёки рад этган деган фикрининг қай даражада асосли эканлигини аниқлашни тадқиқотимизнинг асосий вазифаси қилиб белгиладик. Бу вазифани бажариш учун манбаларни тарихий ва интеллектуал контекстда таҳлил қилдик. Мантиқий таълимотларининг фалсафий асосларини инкор қилмаган ҳолда, асосий эътиборни мантиқ масалаларининг баён қилинишига қаратдик. Бу даврда яшаб ижод этган мантиқшунос олимлар ва улар тадқиқ қилган мантиқ масалаларининг кўлами ниҳоятда кенг бўлиб, уларни бир мақола ҳажмида қамраб олиб бўлмайди. Шунинг учун тадқиқотимизда Абу Наср Фаробийнинг “Мантиққа кириш” рисоласини мезон сифатида танладик. Чунки ислом мантиғини тадқиқ қилган олимларнинг кўпчилиги силлогизм назариясини мезон қилиб олганлар [4.]. Шунингдек, тадқиқотимизда анализ ва синтез, герменевтик таҳлил усулларидан фойдаландик.

**Муҳокама ва натижалар.** IX-XII асрларда мантиқ, масалалари билан чуқур шуғулланган Шарқ перипатетикларининг мантиққа оид ёзган асарлари асосан тўққиз китобдан иборат эканлигини ва уларнинг номланиши, кетма-кетлиги бир хил эканлигини кўришимиз мумкин. Бунга сабаб шуки, Аристотелнинг «Органон»ини ташкил этувчи олти мантиқий рисолаларга («Категориялар», «Талқин ҳақида», «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Топика», «Софистик раддия») сурияликлар унинг «Риторика»си билан «Поэтика»сини қўшдилар. Бундан аввалроқ эса унга Порфирийнинг «Исоғувчи» асари қўшилган эди.

Шундай қилиб «Органон» тўққиз трактатдан иборат бўлган яхлит таълимот сифатида ислом файласуфлари томонидан қабул қилинган. Шарқ перипатетиклари мантиққа оид таълимотларини айнан шу тартибда ишлаб чиққанлар. Хусусан Абу Наср Фаробийнинг мантиққа оид таълимоти “Эйсагоге ёки Кириш” деб номланувчи рисоладан бошланади.

Фаробий бу рисолаи ёзишдан мақсад ҳукмнинг таркибий қисмларини силлогизм таркибий қисмлари сифатида кўриб чиқишдир,- дейди [7.123.].

Маълумки, Аристотел “Тописка” асарида тўрт турдаги предикатлар, яъни ҳукмнинг мантикий эгаси (субъекти) ҳақида мантикий кесимда тасдиқлаб ёки инкор этиб баён қилинадиган тушунчаларни кўрсатиб ўтади. Булар: жинс, тур, хусусий белги ва ўткинчи белги[6.357.] Порфирий (232/3-304) ва ундан кейинги мантиқшунослар бу рўйхатга “тур белгиси”ни киритдилар. Шундай қилиб, мантикий кесимда қайд қилинган ва мантикий субъектга тегишли бўлган : жинс, тур, фарқловчи (тур белгиси) белги, хусусий белги, тасодифий (ўткинчи) белгилар предикабилиялар номи билан мантиқ илмида ўрганила бошланди.

Антик давр мутафаккирлари каби Фаробий ҳам предикабилиялар ва улар билан боғлиқ бўлган тушунчаларнинг таърифланишига оид масалаларни батафсил таҳлил қилади. Мутафаккир “Логика тўғрисидаги рисолага муқаддимасида” [13.37-41.] предикабилияларни субъект-предикат муносабатлари доирасида кўриб чиқади. Рисоланинг хажми катта бўлмаса ҳам, унда мантиқ илмида ўрганиладиган масалалар ҳақида қисқа ва муҳим маълумотлар берилган, мантиқ илмини ўрганиш зарурлиги ва бунинг фойдали томонлари кўрсатилган. Фаробий: “Логика санъати фалсафанинг у ёки бу қисмларида қўлланган ҳолларда назарий ва амалий санъатларни қамраб олувчи ҳақиқий билимни қўлга киритиш асбобидир. Логика санъатисиз қайси бир (илм)да бўлмасин ҳақиқий билимга эришишнинг йўли йўқдир”,-деб таъкидлар экан, нафақат фалсафада, балки илмнинг бошқа соҳаларида ҳам мантиқ чин билимларга эришишга ёрдам берувчи фан эканлигини уқдиради. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Биламизки, ҳар бир фан ўз ўрганиш соҳасига, муайян қонуниятлар ва категориялар (тушунчалар) тизимига эга. Категориялар, илмий атамаларнинг тўғри таърифланиши фаннинг ривожига, илмий кашфиётларнинг натижаларини талқин қилишда ниҳоятда муҳимдир. Таърифлар ва умуман фикр-мулоҳазаларни тўғри қуриш учун эса, предикабилияларни ўз ўрнида қўллаш билиш талаб қилинади.

Шарқ перипатетикларидан Ибн Синонинг мантиққа оид ёзган асарларида ҳам бу масала батафсил таҳлил қилинади. Шу ўринда бир ҳолат кузатилади. Фаробийдан кейинги давр файласуфлари мантиққа оид билимларни ихчамлаштирганлигини, ундаги масалаларни бир китобда жамлашганлигини кузатиш мумкин. Ибн Синонинг “Донишнома асари”, Умар Хайёмнинг “Трактатлар”и, Ал-Абхарийнинг “Исоғучи”си бунинг яққол исботидир. Ибн Сино ва Умар Хайёмнинг юқорида айтилган асарлари ўша давр ҳукмдорларининг талабига кўра, соҳага оид билимларнинг “қаймоғи” жамланиши талаб этилганлиги учун ёзилган бўлса, Ал-Абхарийнинг “Исоғучи”си таълим олувчилар учун мантиқдан қисқача қўлланма сифатида ёзилган. Уларда мантиқ масалаларининг баъзилари қисқача баён қилинган ёки баъзи масалалар тушириб қолдирилган. Бунда “қисқаси фойдалироқдир” деб, тушунилган [10.]. Масалан, Ал-Абхарийнинг “Исоғучи”сида силлогизм фигураларининг модулари тўлиқ баён қилинмаган ва индукция, аналогия ҳақида маълумот берилмаган. Лекин барча мантиқшунос олимлар предикабилиялар масаласини тўлиқ таҳлил қилиб, тушунтиришган.

Ибн Сино ҳар қандай умумий тушунча ё жинс (хайвон) ё тур (инсон), ё тур белгиси (сўзловчи) ёки хос белги (куладиган) ёки умумий аксидентал белги (харакатланувчи, оқ, қора) бўлади деб, таъкидлайди [94.]. Ал-Абхарийда предикабилиялар қуйидагича номланади: жинс, тур (нав), тур белгиси (фасл), хусусий белги (ал хосса) ва умумий потенциал белги (ал-аразул омм). Улардан дастлабки учтаси субстанционал ва қолган иккитаси аксидентал белгидир [2. 14-19]. Умар Хайёмнинг “Форс тилида ёзилган мавжудликнинг энг умумийлиги трактати”да умумийликни билиш хусусийликни билишдан афзалроқдир, деб ёзади ва умумийликнинг беш турини кўрсатади. Булар: жинс, тур, бўлак, хусусийлик ва аксиденция [10].

Кўриб ўтганимиздек, ислом мантиқшунослари индивидуум учун предикат бўлган умумий тушунчалар (универсалиялар) ўзаро жинс ва турга кўра фарқланишини таъкидлайдилар. Бунга кўра икки нарсанинг субстанцияси жиҳатидан ўхшашлигини ифодаловчи икки содда предикатдан умумийроғи жинс, жузъийроғи эса тур деб, аталади. Масалан, одам ва хайвон (тушунчалари) ёрдамида Зайд ва Умар ўз субстанциялари

жиҳатидан ўхшайдилар, бунда ҳайвон уларга нисбатан жинс, одам эса тур (тушунча)дир. Чунки “одам” тушунчаси “ҳайвон” тушунчасига нисбатан хусусийроқдир, яъни ҳажми торроқдир. Жинс ва турга кўра, фарқ қилувчи умумий тушунчаларнинг ҳар бири «Бу индивидуум нима?» деган саволга жавоб бўлади. Универсалиялар орасида энг умумий ёки энг хусусий характердагилари бўлиб, уларнинг ўртасида оралиқ занжирлар мавжуд бўлади. Икки универсалиядан умумийроғи жинс, хусусийроғи тур бўлади. Ўзидан юқорида ҳеч нарса бўлмаган энг умумий универсалия «юқори жинс», ундан пасти бўлмаган хусусий универсалия эса «охирги тур» дейилади.

Инсон атрофидаги воқеа ва ҳодисалар ҳақида оддий ва мураккаб предикатлардан фойдаланиб фикр юритади. Фаробийнинг таъкидлашича, жинс, тур, фарқловчи белги, хусусий белги ва тасодифий белги оддий универсал предикатлардир [13.41.]. Мураккаб предикатлар эса уларнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлади. Масалан, “Зайд - фикрловчи ҳайвон” ҳукмида предикат жинс ва фарқловчи белгидан иборат.

Улар оралиғида мавжуд бўлганлари ўзидан куйидагисига нисбатан жинс, юқорисидагига нисбатан тур бўлади. Улар бўйсунувчи жинслар дейилади. Масалан, биз бу предметнинг пальма эканлигини билмаган ҳолда «бу нима?», деб сўраймиз. Саволимизга “бу пальма, бу дарахт, бу ўсимлик, бу жисм” деган жавоблар мос келади.

Бу жавобларнинг предикатлари қай даражада умумий ёки хусусий эканлиги билан ўзаро фарқланади. Бу терминлар орасида энг умумийси бўлган «жисм» - юқори жинс, «пальма» охирги тур бўлади, дарахт ва ўсимликлар эса оралиқ тушунчалардир. Охирги тур «бу нима?», - деган саволга жавоб беради ва яқка индивидуумни ифодалайди.

Шу ўринда ислом мантиғига хос яна бир ҳолатга эътиборни қаратамиз. Порфирийнинг предикабилиялар ҳақидаги, яъни умумий ва яқка тушунчалар ҳақидаги ғоялари илк ўрта асрлар Ғарб мантиғида катта баҳсларга сабаб бўлган бўлса, Ислом мантиғида бундай баҳслар кузатилмаган. А.И.Сагадеевнинг таъкидлашича, Шарқ перипатетиклари умумий тушунчалар (универсалиялар) масаласида “моҳият” ва “мавжудлик”ни фарқлашган [12.70.]. Энг умумий тушунчалар моҳиятни ифодалайди ва улар яқкаликда мавжуд бўлади. Масалан, инсон тушунчасини олсак, умуман инсонни биз мавжуд реаллик сифатида кўрсата олмаемиз. Чунки у яқка инсонларнинг моҳиятини ифодалайди. Яқка инсонлар эса реал мавжуддир.

Кўриб ўтганимиздек, мантиқ масалалари баён қилинганда, қайси даврда яшаб ижод этишидан қатъий назар олимлар албатта предикабилия масаласини таҳлил қилганлар. Бунга сабаб инсоннинг тўғри фикр юритиши тушунчаларнинг маъно ва мазмунини қандай англашига, яъни тушунча ифода этган предметларнинг таърифланиши ва тасвирланишига боғлиқдир.

Ўрта аср Яқин ва Ўрта Шарқ файласуфлари ва мантиқшунос олимлари тушунчаларни тўғри ва аниқ таърифлашга катта эътибор берганлар. Фалсафа, мантиқ, ахлоқ ва бошқа соҳалардаги тушунчаларни таърифлаб, алоҳида рисоалар ёзганлар. Тушунчаларни таърифлаш билан боғлиқ масалалар ҳозирги кунда ҳам долзарб аҳамиятга эга. Бу масалаларни унумли ҳал қилишда ўтмиш мантиқшуносларининг предикабилиялар ҳақидаги таълимотини билиш муҳим аҳамиятга эга.

**Хулоса.** Мақолада икки саволга жавоб топишни режалаштирган эдик:

1. Ислом мантиғининг ривожини XIII асрдан сўнг тўхтаб қолганми? ва 2. Араб дунёси лотин ғарбида тўпланган классик меросни йўқотган ёки рад этганми? Биз баъзи манбаларга асосланиб, ушбу саволларга жавоб бердик. Кичик тадқиқотимизни яқунлаб, айтиш мумкинки, Ислом мантиғининг ривожини XIII асрдан сўнг тўхтаб қолмади, мантиқшунос олимларнинг кейинги авлодлари аждодларининг ишларини давом эттирдилар. Лекин улардан фарқли равишда мантиқ масалаларини кўпроқ грамматика ва диний илмлар билан боғладилар. Бу даврда Ибн Синонинг мантиқий таълимотига кўплаб шарҳлар ёзилди ва бу шарҳларнинг ўзига ҳам шарҳлар ёзилди. Мантиққа оид кўлёмаларнинг сони кўпайди. Мантиқ масалаларида кўпроқ тушунча ва ҳукм мавзуларига эътибор кучайтирилди. Силлогистик хулоса чиқаришнинг тўрт фигураси таҳлил қилинди, индуктив хулоса чиқариш ва хулоса чиқаришда аналогияни қўллаш масалалари муҳокама қилинди, далиллаш билан боғлиқ масалалар

ўрганилди. Албатта мақоламизда буларнинг барчасини тўлиқ қамраб олишнинг имкони йўқ эди. Бу эса ушбу йўналишда кўплаб янги тадқиқотлар, изланишлар олиб бориш мумкинлигини тасдиқлайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

---

1. Khaled El-Rouayheb. The development of arabic logic (1200–1800) Medieval and Early Modern Philosophy.
2. Mantiq haqida saboqlar (yoki Isag‘o‘jiy sharhi) / tarjimon N.Nabijon o‘g‘li. – Toshkent: «Toshkent islom universiteti», 2008.
3. Reschar N. The development arabic logic. University of Pittsburgh press, 1963.
4. Tony Street. Arabic Logic //Dov M. Gabbay and John Woods “Handbook of the History of Logic” vol.1 2004.
5. Абу Али Ибн Сина. Логика. // Даниш-намэ. Избранные произведения. –Т.1 Душанбе., 1980.
6. Аристотель Тописка //Сочинения в четырех томах. Т.2. М.: Мысль, 1978
7. Аль-Фараби. Книга «Эйсагоге» или «Введение». // Логические трактаты.-Алма-Ата.: Наука, 1970.
8. Зиядех Латфаллах. Развитие логических идей в арабо- мусульманской философии и «теологии». Автореферат дисс. канд.филос.наук. 2009.
9. Койре А. Аристотелизм и платонизм в средневековой философии // Очерки истории философской мысли. Москва: Прогресс. 1985.
10. Омар Хайям. Написанный по персидски трактат о всеобщности существования Омар Хайям. Рубаят. Трактаты. перевод Б.Розенфельда. М.: Эксмо, 2008.
11. Роузентал Франц. Торжество знания. Концепция знания в средневековом исламе. М.: Наука. 1978.
12. Сагадеев А.В. Восточный перипатетизм. Москва, 1999.
13. Фаробий. Рисолалар//Логика тўғрисидаги рисолага муқаддима. Тошкент., ФАН. 1975.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

ЖИЛД 5, СОН 1

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

ТОМ 5, НОМЕР 1

JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

VOLUME 5, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000